Элим деб, юртим деб, ёниб яшаш керак

# Туркистон

1925 йилдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИ «КАМОЛОТ» ЖАМҒАРМАСИ ГАЗЕТАСИ

1997 йил 21 июнь Шанба.
№ 48 (14440)

## ЎЗБЕКИСТОН ВА ОЗАРБОЙЖОН — ИШОНЧЛИ ҲАМКОРЛАР





Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг таклифига биноан, Озарбойжон Республикаси Президенти Ҳайдар Алиев 18 июнь куни расмий ташриф билан мамлакатимизга келди.

Икки Давлат байроқлари билан безатилган Тошкент аэропортида олий мартабали меҳмонни Бош вазир Ўткир Султонов, ташқи ишлар вазири Абдулазиз Комилов, Тошкент шаҳар ҳокими Козим Тўлаганов ва бошқа расмий кишилар қарши олди. Кутиб олувчилар орасида Озарбойжон Республикасининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Ойдин Азимбеков ҳам бор эди. Миллий либосдаги қизлар Озарбойжон Президентига анвойи гуллар тутди.

Машиналар карвони «Дўрмон» қароргоҳи томон йўл олди. Президент Ҳайдар Алиевга мамлакатимиз раҳбари Ислом Каримов пешвоз чиқди. Шу ернинг ўзида Озарбойжон Президенти Ҳайдар Алиевни расмий кутиб олиш маросими бўлди. Олий мартабали меҳмон шарафига Фахрий қоровул саф тортди. Президентлар махсус шоҳсупага кўтарилдилар. Ҳар икки мамлакат Давлат мадҳиялари янгради. Ислом Каримов билан Ҳайдар Алиев Фахрий қоровул сафи олдидан ўтдилар.

Расмий кутиб олиш маросимидан сўнг, Президентларнинг яккама-якка суҳбати бошланди. Мулоқот чоғида икки мамлакат ўртасидаги муносабатлар, иқтисодиётнинг турли соҳаларидаги ўзаро ҳамкорлик, шунингдек, минтақавий хавфсизлик ва жаҳон миқёсидаги муаммолар хусусида фикрлашиб олинди.

Шундан сўнг, икки мамлакат расмий делегацияларининг кенгайтирилган таркибдаги музокаралари бошланди. Унда Ўзбекистон билан Озарбойжон ўртасидаги дўстона муносабатларни янада мустаҳкамлаш, ўзаро манфаатли ҳамкорлик алоқаларини кенгайтириш билан боғлиқ қатор масалалар муҳокама этилди. Президент Ислом Каримов Озарбойжон Президенти Ҳайдар Алиев ва унга ҳамроҳлик қилаётган меҳмонларни Ўзбекистон заминида қутлар экан, мазкур ташриф ўзаро муносабатларнинг янги даврини бошлаб беражагига умид билдирди.

— Ўзбекистон билан Озарбойжон ўртасидаги алоқалар узоқ даврларга бориб тақалади, — деди мамлакатимиз раҳбари. — Халқларимизнинг дўстлик алоқаларини айни кунда ҳам сезиш мумкин. Ўзбекистонда бугун минглаб озар миллатига мансуб кишилар истиқомат қилаётгани, улар томонидан ташкил этилган маданият марказлари муваффақият билан фаолият кўрсатаётгани фикримизга ёрқин далилдир. Мамлакатларимиз иқтисодий манфаатларининг туташ нуқталари ҳам талайгина. Айниқса, Кавказорти транспорт йўлагининг бугунги кунда бераётган самараси бунга мисол бўла олади. Мамлакатларимиз мустақилликка эришгач, жуда кўплаб иқтисодий ва ижтимоий муаммоларга дуч келди. Бироқ, жаҳон иқтисодиётига интеграциялашув йўлидаги саъй-ҳаракатлар ҳамда иқтисодий ислоҳотлар натижасида мавжуд қийинчиликларни бартараф этиш, иқтисодиётнинг барқарор ривожини таъминлаш ва аҳолининг турмуш даражасини муайян даражага кўтаришга эришдик.

Президент Ислом Каримов Ўзбекистонда сўнгги вақтларда юз бераётган ўзгаришларга тўхталиб, макроиқтисодий кўрсаткичларнинг барқарорлашиб бораётгани, иқтисодий салоҳиятимиз юксалиб, ишлаб чиқариш ва саноат инфратузилмалари ривож топаётгани ҳақида сўзлади.

Хусусан, юртбошимиз мамлакатда амалга оширилаётган ислоҳотлар натижасида кишиларнинг дунёқараши, фикрлаш тарзи ўзгарганини ҳам алоҳида қайд этиб, ёш авлодни мустақил ватан фарзандлари руҳида тарбиялашда, уларнинг ҳам жисмонан, ҳам маънан баркамол бўлиб етишишида диққатга сазовор ишлар амалга оширилаётганини таъкидлади.

Музокараларда Ўзбекистон — Озарбойжон муносабатлари ҳар икки мамлакат давлат раҳбарларининг саъй-ҳаракатлари туфайли янгидан равнақ топиб, мустаҳкамланиб бораётгани таъкидланди.

Президент Ҳайдар Алиев ўз ташрифини Ўзбекистон раҳбарининг ўтган йили май ойида Озарбойжонга буюрган ташрифининг узвий давоми, дея изоҳлади. Ислом Каримовнинг 1996 йилги ташрифи бу борада янги даврни бошлаб берганини алоҳида таъкидлади.

Ҳайдар Алиев ҳар икки мамлакат иқтисодиёти кўплаб умумий туташ нуқталарга эга экани ҳақида гапирар экан, бу соҳадаги ҳамкорликни фаоллаштириш зарурати туғилганини қайд этди. Жумладан, пахтачилик, узум, чой ва тамаки етиштиришда, металлургия, нефть ва кимё саноати соҳаларида янги қўшма лойиҳалар ишлаб чиқиш борасида Ислом Каримов айтган таклифларни тўла қўллаб-қувватлашини маълум қилди.

Мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорликнинг муҳим бўғинини транспорт коммуникацияси ташкил этади. Кавказорти йўлаги бўйича шу йилнинг беш ойида ташиб ўтилган маҳсулот ҳажми 1996 йилги умумий кўрсаткичдан беш баробар кўп бўлганини алоҳида таъкидламоқ жоиздир. Лекин, Ўзбекистон билан Озарбойжон ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларини янада равнақ топтириш учун ишга солинмаган имкониятлар ҳали жуда кўп. Бу хусусда ҳар икки мамлакат раҳбари бир хил фикрда эканликларини билдирдилар.

Музокараларда ЭКО ва Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон ўртасидаги ягона иқтисодий макон доирасида амалга оширилаётган ва режалаштирилаётган ишлар бўйича ҳам фикр алмашилди. Президент Ислом Каримов мазкур ҳаракатлардан мақсад нефть-газ қувурларини ўтказиш, транспорт алоқаси тармоқларини барпо этишда ҳамжиҳатлик билан иш тутиб, келишилган ҳолда сиёсат юритишдан иборат эканини маълум қилди.

Музокараларда минтақавий хавфсизлик масалалари ҳам муҳокама этилди. Президент Ислом Каримов Афғонистон муаммосига тўхталиб, бу мамлакатда тинчлик ўрнатишнинг ягона йўли музокаралар ўтказиш эканини яна бир бор таъкидлади.

— Биз Афғонистонга қурол олиб киришни тақиқлаш лозимлиги тўғрисида БМТ, ЕХҲТ каби нуфузли халқаро ташкилотларга аниқ таклифларимизни билдирганмиз, — деди Ислом Каримов. — Мазкур таклифлар бутун жаҳон ҳамжамияти томонидан маъқулланмоқда.

Президент Ислом Каримов тоғли Қорабоғ муаммоси хусусида ҳам ўз фикр-мулоҳазаларини билдириб, Ўзбекистон ҳукумати ушбу можарони тинч йўл билан ҳал этиш тарафдори эканини маълум қилди.

Озарбойжон раҳбари Ўзбекистон Президенти юритаётган сиёсатдан мамнун эканини билдирди. Ўз мустақиллик ғоясида собит турган Ўзбекистоннинг ташқи сиёсатига юқори баҳо берди. Шунингдек, талайгина халқаро ва минтақавий доирадаги муаммолар хусусида Президент Ислом Каримов билан бир хил нуқтаи-назарда эканини маълум қилди.

— Ўзбекистон ўзининг меҳнат ресурслари ва табиий бойликлари, қолаверса, ўзбек халқининг ақлий салоҳияти билан Марказий Осиёда юксак мавқега эга, — деди Ҳайдар Алиев. — Бу ерда юз бераётган ўзгаришлар Озарбойжонда катта қизиқиш билан қабул қилинмоқда ва халқимизнинг Ўзбекистонга, ўзбек халқига ҳурматини янада оширмоқда.

Музокаралар ниҳоясида Президентлар Ўзбекистон билан Озарбойжон ўртасида ҳар томонлама ҳамкорлик муносабатларини янада ривожлантириш тўғрисидаги декларация, Ўзбекистон билан Озарбойжон ўртасида ҳуқуқий ёрдам, фуқаро, оила ва жиноят ишлари бўйича ҳуқуқий муносабатлар тўғрисидаги шартнома ҳамда ўзаро ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро қўшма комиссия тузиш тўғрисидаги протоколга имзо чекдилар.

Музокаралар сўнггида Бош вазир ўринбосарлари, ташқи ишлар ва адлия вазирлари даражасида телекоммуникация ва почта алоқаси, саноат мулкини ҳимоя қилиш, муаллифлик ва турдош ҳуқуқларни ҳимоя қилиш, таълим, банк-молия соҳаларида ҳамкорлик тўғрисидаги ўндан ортиқ ҳукуматлараро ҳужжат ҳам имзоланди.

Ҳужжатларни имзолаш маросимидан сўнг Президентларнинг оммавий ахборот воситалари вакиллари учун матбуот анжумани бўлди. Унда Ислом Каримов ва Ҳайдар Алиев бўлиб ўтган музокаралар ва яккама-якка суҳбат натижалари ҳақида сўзладилар.

— Музокаралар ва мулоқот чоғида минтақавий хавфсизлик муаммоларига алоҳида эътибор қаратилди, — деди Ислом Каримов. — Ўзбекистон ҳам, Озарбойжон ҳам минтақада тинчлик ва барқарорлик тарафдоридир. Иккала мамлакат ҳукумати ҳам ўзга давлатларнинг ҳудудий яхлитлигини ҳурмат қилиб, уларнинг ички ишларига аралашмасликни ўз сиёсатининг асосий йўналиши, деб билади. Биз ҳар қандай кўринишдаги мутаассиблик, террорчилик, сепаратизмга ва можароларни қурол ишлатиш йўли билан ҳал қилиш ҳаракатларига қаршимиз. Айтиш керакки, яккама-якка мулоқот чоғида ҳам, кенгайтирилган таркибдаги музокараларда ҳам томонлардан биронтасини қониқтирмаган ёки ўзаро келишилмаган масала бўлмади.

Озарбойжон Президенти Ҳайдар Алиев қисқа вақт ичида икки мамлакат ўртасидаги муносабатларни юқори босқичга олиб чиқишга эришилганини мамнуният билан таъкидлар экан, жумладан бундай деди:

— Ислом Каримовнинг 1996 йил май ойида Озарбойжонга буюрган ташрифи чоғида йигирмага яқин ўта муҳим ҳужжат имзоланган эди. Бугун имзоланган ҳужжатлар ҳам юксак аҳамиятга эга бўлиб, мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик истиқболларини белгилашда ва шериклик муносабатларини чуқурлаштиришни таъминлашда ғоят муҳим ўрин тутади.

Матбуот анжуманида Президентлар журналистларнинг Кавказорти йўлаги, ЭКО доирасидаги ҳамкорлик ва бошқа масалаларга оид саволларига жавоб қайтардилар. Россия — Белорусь иттифоқи хусусидаги саволларга жавоб қайтарар экан, Президентлар бу борада ягона нуқтаи-назарда эканларини билдирдилар.

— Мазкур иттифоқ Россия ва Белоруснинг ички иши, — деди Ислом Каримов. — Хабарингиз бўлса, ушбу иттифоқ парламентининг йиғилиши бўлди ва унда А. Лукашенко иштирок этди. Унинг ўша йиғилишда собиқ шўролар иттифоқи мадҳиясини ҳозирги Россия-Белорусь иттифоқи мадҳияси сифатида қабул қилиш ҳақида сўзлаган «оташин» нутқини изоҳлашнинг ҳожати бўлмаса керак. Шунинг ўзиёқ ушбу иттифоқнинг қай мақсадда тузилганини билиб олишга кифоя қилади.

Бу хусусда Озарбойжон Президенти қуйидагича фикр билдирди:

— Ислом Каримовнинг мулоҳазаларини тўлиқ маъқуллаш билан бирга, шуни айтишим керакки, жиддий одамлар жиддий ишлар ҳақида бош қотиргани дурустроқ. Россия-Белорусь иттифоқининг низомида иттифоқ аъзо бўлишни истаган ҳар қандай давлат учун очиқдир, дейилиши ҳам Ўзбекистон Президентининг фикрларини яққол исботлайди. Комил ишонч билан айтаманки, Озарбойжон ҳеч қачон бу каби иттифоқларга қўшилмайди.

Россия матбуотининг Ўзбекистон чегарасини Россия федерал чегара хизмати қўриқлаши ҳақида тарқатган хабари хусусидаги саволга мамлакатимиз раҳбари бундай жавоб қайтарди:

— Ўзбекистон чегара қўшинлари билан Россия федерал чегара хизмати ўртасида ҳамкорликда фаолият юритиш тўғрисидаги битим имзоланган. Бироқ, бу Ўзбекистон чегарасини Россия аскарлари қўриқлайди, дегани эмас. Биз чегарамизни ўзимиз қўриқлаймиз. Бунинг учун кучимиз ҳам, имкониятимиз ҳам етарли.

Президентлар журналистларни қизиқтирган бошқа саволларга ҳам жавоб қайтардилар.

* * *

Озарбойжон Президенти Ҳайдар Алиев Президент Ислом Каримов ҳамроҳлигида Алишер Навоий номидаги Давлат академик Катта театрига ташриф буюрди. Бу ерда таниқли адиб ва давлат арбоби Шароф Рашидов асари асосида Озарбойжон бастакори Ориф Меликов ёзган «Икки дил достони» балети намойиш этилди.

* * *

19 июнь куни Озарбойжон Президенти Ҳайдар Алиев мамлакатимиз раҳбари Ислом Каримов ҳамроҳлигида Мирзо Улуғбек номидаги Тошкент давлат университетига ташриф буюрди.

Университет ректори вазифасини бажарувчи, академик Т. Долимов олий мартабали меҳмонларнинг ушбу даргоҳга ташрифи ва мазкур учрашув университет аҳли — ўқитувчи ва талабалар учун унутилмас воқеа бўлиб қолажагини таъкидлади.

Университет илмий кенгаши Ўзбекистон ва Озарбойжон халқлари ўртасидаги дўстлик алоқаларини мустаҳкамлаш, шунингдек, фан ва маданиятни ривожлантириш йўлидаги улкан хизматлари учун Озарбойжон Президенти Ҳайдар Алиевга Тошкент Давлат университети фахрий доктори унвонини берди. Йиғилишда олий мартабали меҳмонга ана шу диплом тантанали равишда топширилди.

Озарбойжон раҳбари Ҳ. Алиев ўзига кўрсатилган бундай эъзоз учун миннатдорчилик билдирар экан, бундай деди:

— Аввало, университет аҳлига, қолаверса, бутун Ўзбекистон халқига ўзим ҳамда Озарбойжон халқи номидан самимий эҳтиромни изҳор этаман. Ўзбекистон халқи ҳам, Озарбойжон халқи ҳам башарият тараққиёти, илм-фан равнақи учун улкан хизмат қилгани оламга маълум. Биз буюк мутафаккирлар — Низомий Ганжавий, Алишер Навоий, Мирзо Улуғбек, Фузулий, Бобурни ва бошқа кўплаб таниқли зотларни ҳеч қачон унутмаймиз. Шундай буюк алломаларнинг фарзандлари эканимиздан ҳақли равишда фахрланамиз.

Тошкент Давлат университети Марказий Осиёдаги нуфузли билим даргоҳларидан бири сифатида машҳурдир. Марказий Осиё халқининг маънавий-маданий ҳаётида ушбу университет катта аҳамият касб этиб келган. Унинг ўрни ҳозир ҳам ҳар қадамда сезилиб туради. Ана шундай обрўли илм даргоҳининг фахрли доктори шарафига муяссар бўлганимдан фахрланаман.

Президент Ҳайдар Алиев Тошкент Давлат университетига эсдалик совғаси — машҳур озар шоири Фузулий портретини ҳадя қилди.

Мамлакатимиз раҳбари Ислом Каримов Озарбойжон Президенти Ҳайдар Алиевни фахрий унвон билан самимий қутлар экан, Ўзбекистон билан Озарбойжонни бир-бирига яқинлаштириб турадиган тарихий-маданий, иқтисодий ҳамда сиёсий омиллар ҳақида қисқача тўхталиб ўтди:

— Мен, бир гапни алоҳида таъкидламоқчиман: Ўзбекистон билан Озарбойжон ўртасидаги ҳамкорликни янада ривожлантиришда тарихий-маданий омилларнинг эътиборга олиниши диққатга моликдир. Лекин, шундай жиҳатлар борки, улар бугунги ўтиш даврининг ўзига хослиги билан изоҳланади. Бундай мураккаб дамларда ҳар бир давлат ўзига ишончли ҳамкор бўла оладиган мамлакатлар билан алоқаларни мустаҳкамлашга ҳаракат қилади. Шу маънода Озарбойжон ҳукумати юритаётган ташқи ва ички сиёсат бизга мақбул. Қолаверса, Озарбойжон бугунги кунда ўз мустақил йўлидан дадил бораётган ёш, мустақил давлатлардан биридир. Бу хусусият ҳуқуқий-демократик жамият барпо этиш ғояси билан илгари бораётган ва иқтисодий-сиёсий ислоҳотларни муваффақият билан амалга ошираётган Ўзбекистон халқи учун ҳам яқиндир.

Айни пайтда кишиларимизнинг онги, фикрлаш даражаси ўзгариб бораётгани кўнгилга қувонч бағишлайди. Бу борадаги ишларга бугун алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, таълим тизимини ислоҳ қилиш, ривожлантириш ва такомиллаштириш давлат сиёсати даражасидаги вазифалардандир. Янгича, яъни ҳақиқий маънодаги мустақил ҳаёт кечириш учун, аввало тафаккуримизни бутунлай янгиламоғимиз зарур. Бу жараёнда ёш авлод тарбияси — энг асосий масала.

Президентлар Ислом Каримов ва Ҳайдар Алиев Озарбойжоннинг Тошкентдаги элчихонаси очилиш маросимида ҳам иштирок этдилар.

— Ўзбекистон халқи Озарбойжон халқини доимо ўзига дўст ҳисоблаб келган, — деди Президент Ислом Каримов. — Бугунги кунга келиб мана шу азалий дўстлигимизнинг янада равнақ топиши ва мустаҳкамланиши учун ҳуқуқий замин яратдик. Ишончим комилки, иш бошлаган ушбу элчихона дўстона муносабатларимизни янада яхшилашга ўзининг муносиб ҳиссасини қўшади.

— Озарбойжон билан Ўзбекистон ўртасидаги дўстлик алоқалари бугун янгича тамойиллар асосида тобора мустаҳкамланиб бораётир, — деди Ҳ.Алиев. — Озарбойжон элчихонасининг Марказий Осиё давлатлари ичида биринчи бўлиб Ўзбекистонда очилаётгани ҳам бу борадаги яна бир қадамдир.

Президентларнинг қисқача табрик сўзларидан сўнг, Озарбойжон Республикаси элчихонаси биноси узра мазкур давлат байроғи кўтарилди. Ҳар икки мамлакат давлат мадҳиялари янгради. Тантана ўзбек ва озар халқлари миллий куй ва қўшиқларидан тузилган концертга уланиб кетди.

Шу куни Озарбойжон Республикаси Президенти Ҳайдар Алиев Ўзбекистон Бош вазири Ўткир Султонов ҳамроҳлигида Ўзбекистон миллий боғига ташриф буюрди.

Олий мартабали меҳмон ғазал мулкининг султони — ҳазрат Алишер Навоий ҳайкали пойига гул қўйди.

Сўнгра Ҳайдар Алиев республика Товар-хомашё биржасини ҳам бориб кўрди. Бош вазир ўринбосари, республика Давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси раиси В.Чжен мазкур биржа фаолияти ҳақида сўзлаб берди.

Шу куни «Дўрмон» қароргоҳида олий мартабали меҳмонни расмий кузатиш маросими бўлди.

**(ЎзА).**

---

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
**ФАРМОНИ**

### Алкоголли маҳсулот ишлаб чиқаришга давлат монополиясини жорий этиш тўғрисида

Тасдиқланган стандартларга мувофиқ алкоголли маҳсулот ишлаб чиқаришни тартибга солиш, унинг тегишли технологияси ва сифатини таъминлаш, шунингдек, уни сотиш устидан назоратни кучайтириш мақсадида:

1. Озиқабоп спирт, ароқ ҳамда бошқа алкоголли маҳсулотлар ишлаб чиқаришга давлат монополияси ўрнатилсин.

2. Белгилаб қўйилсинки, озиқабоп спирт, ароқ ҳамда бошқа алкоголли маҳсулотлар ишлаб чиқариш мулкчилик шаклларидан қатъи назар, корхоналар томонидан, шу жумладан хорижий сармояни жалб этган корхоналар томонидан Вазирлар Маҳкамаси белгилаган тартибда бериладиган рухсатномалар асосида амалга оширилади.

3. «Ўзмевасабзавотузумсаноат» ва «Ўзкимёсаноат» уюшмалари «Ўздавстандарт» ҳамда бошқа тегишли идоралар билан биргаликда бир ҳафта муддатда озиқабоп спирт, ароқ ва бошқа алкоголли маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳуқуқини олиш учун хўжалик юритувчи субъектларга нисбатан, шу жумладан корхоналар амалдаги стандартларга мувофиқ ишлаб чиқариладиган маҳсулотларнинг технологияси ва сифатини, шунингдек, уларни сотиш юзасидан белгиланган тартибни таъминлашларига нисбатан қўйиладиган талаблар рўйхатини тузиб, Вазирлар Маҳкамасига тасдиқлаш учун киритсинлар.

4. Вазирлар Маҳкамаси: корхоналар, шу жумладан хорижий сармояни жалб этган корхоналар алкоголли маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳуқуқини олишлари учун уларга рухсатномалар бериш тартибини икки ҳафта муддатда ишлаб чиқиб, тасдиқласин; алкоголли маҳсулотлар ишлаб чиқариш билан банд бўлган хўжалик юритувчи субъектларни 1997 йилнинг 1 сентябрига қадар синчиклаб ҳисобга олсин ҳамда корхоналарга алкоголли маҳсулот ишлаб чиқариш ҳуқуқини олишга рухсатномалар бериш учун ушбу Фармон талабларига мувофиқ уларнинг рўйхатини белгиласин; Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига мувофиқ, 1998 йил 1 январдан бошлаб амалга киритиладиган вино-ароқ маҳсулотларини сотиш ҳуқуқи учун маҳаллий йиғимнинг, шу жумладан бундай маҳсулотлар савдо-сотиғи ҳуқуқи учун лицензия йиғимининг қатъий белгилаб қўйилган ставкаларини бир ой муддатда ишлаб чиқиб, тасдиқласин.

5. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги икки ҳафта муддатда амалдаги қонунчиликка мазкур Фармондан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида таклифлар киритсин.

Ушбу Фармоннинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси**
**Президенти И.Каримов**

Тошкент шаҳри,
1997 йил 19 июнь

---

## ЗАМОН, ВОҚЕАЛАР, ОДАМЛАР

**АҚШнинг Фан Миллий жамғармаси ўтказган савол-жавоблар шуни кўрсатдики, америкаликларнинг 21 % қуёшни ер атрофида айланади, деб ўйларкан. Аҳолининг 7 % эса нима нимaнинг атрофида айланишидан мутлақо бехабар экан. Бу "жуда мураккаб" саволга тўғри жавоб берган 72 % америкаликларнинг 45 % ер қуёш атрофини бир йил ичида айланади, деб ўйлайдилар. Қолган 27 % эса ер қуёшнинг атрофини бир кунда айланишга улгуради, деб таъкидлашди.**

**Папуа-Гвенияда ёши бир жойга бориб қолган қария - 100 ёшли Гаал Пелуни ўзидан 65 ёш кичик ва яратганнинг хоҳиш-иродаси билан ҳали гўшанга кўрмаган 35 ёшли қизга уйланди. Уларнинг бу ғаройиб никоҳи кўпчиликни ҳайратга солди. Аср ёшини яшаб қўйган куёвтўра - Гаал Пелуни ҳамда 35 ёшли келинпошша маҳаллий газета учун берган интервьюсида икки «ёш»нинг ҳаёт фалсафаси бир-бирига ҳамоҳанг экани яна бир бор ўз тасдиғини топди. Яъни: муҳаббат ёш танламайди !**

**19 июнь куни Америка Қўшма Штатлари Президентининг маслаҳатчиси Ричард Морнингстар бошчилигидаги делегация республикамизга ташриф буюрди. Делегация АҚШ ҳукумати, давлат ва нодавлат ташкилотларининг инсонпарварлик ёрдами - 22 миллион долларлик дори-дармон ва тиббий асбоб-ускуналар олиб келди.**

**Мамлакатимизда нашрлар кўп. Ҳар бир нашрнинг ўз мухлиси, ўз муштарийси бўлади. Аммо, газеталар борки, уни ҳамма севиб ўқийди. "Спорт" ана шундай газеталардан. "Спорт" бугун 65 ёшда. Шу орада газета неча юзлаб спортчиларни элга танитди. Юртимиз спорти ривожига муносиб улуш қўшиб келди.**

**Ўзбекистон Республикаси "Камолот" жамғармаси ва "Туркистон" таҳририяти ўзининг 65 ёшлик тантанасини нишонлаётган "Спорт" газетаси жамоасига ижодий ишларида омад тилаб, Сиз ҳамкасбларга ҳеч қачон қаламингиз толмасин, деймиз.**

**"Туркистон" ва ЎзА мухбирлари тайёрлади**

